

CH<sub>3</sub>

LORIUM IPSUM

LORIUM IPSUM  
LORIUM IPSUM

ISSN: 2181-3310

# MUTAFAKKIR

Scientific Journal / Научный журнал / Илмий журнал

30-son

№ 30, Dekabr (2024)

**Bosh Muharrir:**  
**SHOHINUR**  
**MIRZAYEV**

**Tahrir hay'ati**  
Dilmurod Muhammadiyev  
Baxtinur Xudanov  
Bahrom Urunov  
Nasrullahovich  
Shuhrat Ziyadullayev  
Muxtor Xudoyqulov  
Ulug'bek Vohidov  
Murod Abulkasimov  
To'rayev Laziz Abdivali  
O'g'li

**ALISHER NAVOIY**  
**NOMIDAGI O'ZBEKISTON**  
 **MILLIY KUTUBXONASI**  
Kitob va turkum  
nashrlarga ISBN va ISSN  
raqamlarni biriktirish  
to'g'risida  
**MA'LUMOTNOMA**

Turkum nashrlarning  
chiqish ma'lumotlarini GOST  
7.4-95 «Nashrlar. Chiqish  
ma'lumotlari» hamda GOST  
7.56-2002 « Xalqaro standart  
turkum raqami» davlatlararo  
standartlar talablari asosida  
bo'lishini to'liq ta'minlash  
maqsadida, Alisher Navoiy  
nomidagi O'zbekiston Milliy  
kutubxonasi va «Mutafakkir»  
1ta 2022 yil 11-apreldagi  
№ ISSN-C-35583 sonli  
hisob-kitob shartnomasi va  
2022 yil 19-aprel yildagi №  
ISSN-I-35583 schet-fakturaga  
asosan turkum nashrlarini  
ISSN bilan belgilash uchun  
quyidagi raqamni taqdim  
etadi:

Turkum nashrning nomi:  
**Мутафаккир**  
ISSN raqam: 2181-3310  
Turkum nashlarning turi:  
электрон нашр

Ushbu jurnal O'zbekiston Respublikasi Oliy  
Attestatsiya komissiyasining ilovasida mavjud bo'lgan  
xalqaro indeksatsiya **index copernicus** bazasiga kiritilgan.  
OAK ilmiy nashrlarda chop etilgan maqola sifatida qabul  
qilinadi.

**Asos:** O'zbekiston Respublikasi Oliy Attestatsiya  
komissiyasining dissertatsiyalar asosiy ilmiy natijalarini  
chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxati

<sup>1</sup> Мақола чоп этилган пайдада халқаро миқёсда фаолият кўрсатадиган  
қўйидаги ийрик нашриётлар ёки маълумотлар базаси асосида «импакт-  
фактор»га эга бўлган илмий журналларда нашр этилган мақолалар  
мазкур Рўйхат таркибига киритилган илмий журналларда чоп этилган  
илмий мақолалар сифатида қабул қилинади: (1) Web of Science  
(Web of Knowledge), (2) Journal Impact Factor, (3) Scopus, (4) Journal  
Citation Reports, (5) Global Impact Factor, (6) International Impact Factor  
Services, (7) Agris, (8) Chemical Abstracts CAS, (9) GeoRef, (10) PubMed,  
(11) Springer, (12) Index Copernicus, (13) Bielefeld Academic Search  
Engine, (14) ResearchBib, (15) Directory of Research Journals Indexing,  
(16) Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor,  
(17) Open Academic Journals Index, (18) Ulrich's Periodicals Directory,  
(19) Scientific Indexing Services, (20) General Impact Factor, (21) InfoBase  
Index, (22) International Society for Research Activity, (23) Scientific Journal  
Impact Factor, (24) Scientific Research Publishing Inc, (25) Directory of  
Open Access Journals, (26) Academic Journals Database, (27) Academic  
One File, (28) Advanced Science Index, (29) Anthropological Index Online,  
(30) Anthropological Literature, (31) Anthropology Plus, (32) Asian Education  
Index, (33) Bibliography of Asian Studies, (34) Compendex, (35) CrossRef,  
(36) HINARI, (37) Hindawi, (38) Libraries Resource Directory, (39) Impact  
Factor Search, (40) ResearchGate, (41) SCImago, (42) Scisearch,  
(43. з/х) Universal Impact Factor.

Шунингдек, жаҳоннинг иккى юзта энг яхши олий таълим муассасаси  
рўйхатидаги олий таълим муассасалари томонидан чоп этилган  
илмий ишлар ва мақолалар тўпламида нашр этилган илмий мақола  
(материал)лар мазкур рўйхатга киритилган илмий нашрларда чоп  
етилган мақолалар сифатида қабул қилинади.

ЭКОТУРИЗМ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА  
МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ ИЛМИЙ ЁНДОШУВЛАРИ

Тўлқинов Умиджон

Alfragamus университети TUR-22-1 гурух талабаси

Илмий маслаҳатчи:

Юсупов Сайдвали

Alfragamus университети Халқаро туризм

менежменти кафедраси доценти, PhD

**Аннотация:** Ушбу мақолада экотуризм рақобатбардошлигини таъминлашда маркетинг тадқиқотларининг илмий ёндошувлари асослаб берилган. Шунингдек, экотуризм хизматларини ривожлантиришда маркетингнинг асосий функциялари, маркетинг тадқиқотини ташкил этиш босқичлари ва бошқа масалалар кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Экотуризм рақобатбардошлиги, маркетинг тадқиқотлари, халқаро туризм, замонавий бизнесни бошқариш, бозор тизими, бозор талаблари, туризмда маркетинг тадқиқотлари, бозор мавқеи.

**Аннотация:** В данной статье обоснованы научные подходы маркетинговых исследований в обеспечении конкурентоспособности экотуризма. Также были рассмотрены основные функции маркетинга в развитии услуг экотуризма, этапы организации маркетинговых исследований и другие вопросы.

**Ключевые слова:** Конкурентоспособность экотуризма, маркетинговые исследования, международный туризм, современный бизнес-менеджмент, рыночная система, требования рынка, маркетинговые исследования в туризме, положение на рынке.

**Abstract:** This article presents the scientific approaches to marketing research in ensuring the competitiveness of ecotourism. It also examines the main functions of marketing in the development of ecotourism services, the stages of organizing marketing research, and other issues.

**Keywords:** Ecotourism competitiveness, marketing research, international tourism, modern business management, market system, market demands, marketing research in tourism, market position.

Бугунги кунда халқаро туризмнинг истиқболли соҳаларидан бўлган экотуризм Республикализ иқтисодиётида борган сари янги иш ўринларини яратиш ва ялпи миллий маҳсулотни оширишида истиқболли ўрин эгалламоқда. Хизматлар бозорининг ўзига хос жиҳатлари, уларнинг тавсифи ва истеъмолчилар томонидан қабул қилиниши мазкур соҳада амалга ошириладиган маркетинг

тадқиқотларининг хусусиятларини белгилаб беради.

Замонавий бизнесни бошқаришнинг бозор тизимини тавсифлар экан маркетинг, бир томондан истеъмолчиларнинг нимани устун кўришларини, туризм хизматларини ташкил этишда нимага мўлжал қилиш кераклигини, маҳсулотлар борзига мақсадли хизматларни таклиф этишни ифодаласа, иккинчи томондан эса, хизматлар бозорига, истеъмолчиларнинг ҳоҳиш-истакларига мақсадли ва фаол таъсир кўрсатишни билдиради.


Бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда, туристик корхонани бошқариш истеъмолчиларга зарурий туристик маҳсулотларни етказиб беришга имкон яратади. Бунинг учун фақатгина, мутахассисларнинг шахсий тажрибасига ёки интиуицияга таяниш етарли эмас, шу билан бирга бошқарув қарорларини қабул қилишда зарурий ахборотларга ҳам эга бўлиш керак.

Туризмда маркетинг тадқиқотлари ахборотлар орқали туристик корхонани бозор билан, истеъмолчилар, рақобатчилар ва хизматлар бозорининг асосий муҳитини ташкил этувчи бошқа элементлар билан боғлаш, ўзаро алоқани ўрнатиш функциясини бажаради. Маркетинг тадқиқотларининг мақсади маркетинг қарорларини қабул қилишда ахборот-аналитик базани яратиш ва у билан боғлиқ ноаниқликни йўқотишдан иборат.

Маркетинг тадқиқотларининг юқори даражада ташкил этилиши, уларнинг кўлами, таҳлилий ва қайта ишлаш жараёнларида фойдаланиладиган услублар йиғиндиси, бевосита туристик корхонанинг маркетинг стратегиясини белгилашда, амалга оширишда, дастлабки босқич, «таянч нуқта» ҳисобланади. Истеъмол бозори тобора янги хизматлар билан бойиб бораётган бугунги шароитида янги имкониятларни аниқлаш ва улардан оқилона фойдаланишда маркетинг тадқиқотларининг аҳамияти кун сайин ортиб бормоқда.

Бозордаги мавқени сақлаб туриш, рақобатчиларга нисбатан доимий устуворликка эга бўлиш гарови сифатидаги маркетинг тадқиқоти яхлит тизим сифатида шаклланади. Кўпгина йирик ва хозирги кунда ўта нуфузли ва машҳур туристик компаниялар изчил ва давомий маркетинг тадқиқотларининг натижалари ўз муваффакиятларининг гарови деб, эътироф этмоқдалар.

Иқтисодий жиҳатдан ривожланган илфор давлатларнинг йирик туристик компанияларитажрибасишуникўрсатадики, маркетингназарияси ва амалиётининг равнақи бевосита маркетинг изланишлари ва тадқиқотлари йўналишларига боғлиқ. АҚШ, Германия, Япония, Франция, Англия каби давлатларда юқори даражада шаклланган ижтимоий - этик маркетинг биринчи ўринга истеъмолчи, жамият фаровонлигини, улар олдидағи ижтимоий маъсулиятни қўяди. Истеъмолчи ва колаверса, ялпи жамият миқёсида манфаатлар муштараклигини таъминлаш, замон талаблари асосида уни такомиллаштириб бориш вазифасини компаниянинг коммуникация сиёсати, изланишлари ҳал этади [3].



**1-расм. Экотуризм хизматларини ривожлантиришда маркетингнинг асосий функциялари\***

\*Муаллиф ишланмаси.

Фикримизча, экотуризм хизматларини ривожлантиришда маркетингнинг асосий функцияларига режалаштириш ва назорат қилиш, сотиш, экотуризм хизматларини кўрсатиш, ҳамда таҳлилий функциялар киритилиши керак (1-расм).

Экотуризм хизматларини ривожлантиришда маркетингнинг асосий функцияларидан келиб чиқсан ҳолда, маркетинг тадқиқотларининг асосий

йўналишлари белгилаб бериш мумкин [2]:

1. Бозорни ва сотишни тадқиқ қилиш:

- а) бозор сифимини баҳолаш;
- б) бозор ва унинг сегментлари характеристикасини аниқлаш;
- в) бозордаги ўзгаришлар тенденциясини таҳлил қилиш;
- г) сотиш ҳажмини истиқболлаш;
- д) мавжуд ва мумкин бўлган истеъмолчилар тўғрисида ахборот олиш;
- е) истеъмолчилар талабини ўрганиш;
- ж) рақобатчилар тўғрисида ахборот олиш.

2. Маҳсулот ва хизматларни тадқиқ қилиш:

- а) янги туристик маҳсулот ва хизматлар тўғрисидаги ғояларни тўплаш;
- б) туристик маҳсулотлар ҳақида тест, сўровномалар ўтказиш;

3. Баҳони тадқиқ қилиш:

- а) туристик маҳсулотлар баҳоси билан унга бўлган талаб ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тадқиқ қилиш;
- б) туристик маҳсулотлар ҳаётийлик даврининг турли босқичлари учун баҳо сиёсатини истиқболлаш.

4. Туристик маҳсулотлар ҳаракатини тадқиқ қилиш:

- а) реклама фаолияти самарадорлигини тадқиқ қилиш;
- б) турли оммавий ахборот воситалари самарадорлигини тадқиқ қилиш;
- в) рекламанинг турли вариантларини синаб кўриш;
- г) туристик маҳсулотни ҳаракатлантиришнинг турли усуллари ва воситаларини комплекс солиштирма таҳлил қилиш.

Бозорни тадқиқ қилиш - маркетинг тадқиқотларининг маълум бир қисмидир, халос. Фақатгина, шартли равишдагина уларни маркетинг тадқиқотларининг асоси деб, қабул қилиш мумкин. Бозор тўғрисидаги маълумотлар миқдори катта ва турли ҳарактерга эга. Шунинг учун бозорни тадқиқ қилишда турли билим соҳаларининг мутахассислари қатнашадилар ва бу тадқиқотлар анча қимматга тушади, лекин компаниялар бозорни иложи борича тезроқ ўзлаштириш мақсадида ҳаражатлардан қочмайдилар, чунки рақобатчилар бозорда янги рақобатчи пайдо бўлишини олдини олиш учун қарши чоралар кўрадилар. Шу боисдан ҳам, тадқиқотлар жараёни айникса, унинг натижалари олинганидан кейин ва фирма уларни маркетинг концепциясини асослаш учун қабул қилингандан сўнг маҳсулотни синовли сотишни ташкил қилиш бошланади. Бу жараённинг асосий вази-

фаси компаниянинг бозордаги самарали ўрнини аниқловчи ўзига хос омилларни ўрганишдир.

Бозорни маркетинг нуқтаи назаридан ўрганиш уз олдига компаниялар, фирма (корхона) маҳсулотларини самарали сотиш имконини, унинг кенгайиш учун янги сегментлар, сифатини яхшилаш, заҳиралар ва янги маҳсулотлар яратишни, истеъмолчилар талабини қондириш ва юқори фойда олишни мақсад қилиб қўяди. Бу мақсадни амалга ошириш учун чуқур маркетинг тадқиқотлари амалга оширилади. Бозорни маркетинг нуқтаи назаридан тадқиқ қилишнинг вазифаси, ишлаб чиқариш ва унда чиқадиган маҳсулотларнинг бозор ва истеъмолчининг юқори талабларига мослаштиришдан иборат.

Маркетинг тадқиқотларининг асосий мақсади, унинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланишининг объектив сабаблари, зарурати билан белгиланади, ҳамда унинг мақсади ниҳоятда кенг ва мураккаб масалаларни ҳал қилишга қаратилгандир. У ишлаб чиқаришни истеъмолчи эҳтиёжига мослаштириб, талаб ва таклифни мувозанатига эришган холда, уни ташкил этган корхона, ташкилотларга юқори фойда келтиришдир. Бунга эришиш учун маркетинг қўйидаги муҳим вазифаларни ҳал этмоғи лозим [1]:

истеъмолчилар эҳтиёжини ўрганиш;

туристик маҳсулотларга бўлган ички ва ташқи талабларни ўрганиш;

корхонанинг фаолиятини истеъмолчилар эҳтиёжига мослаштириш;

талаб ва таклиф тўғрисидаги олинган маълумотлар асосида бозорни ўрганиш;

туристик маҳсулотлар рекламасини ташкил этиш, истеъмолчиларни маҳсулотларни сотиб олишга қизиқишини ошириш;

туристик маҳсулот яратувчи ёки уни сотувчи корхона тадқиқотларини амалга ошириш учун маълумотлар тўплаш ва таҳлил қилиш;

туристик маҳсулотни бозорга чиқаришдаги барча хизматлар тўғрисида маълумотлар олиш;

туристик маҳсулотларга бўлган талабни истиқболлаш, уларни амалга оширишни назорат қилишдан иборатдир.

Туризмда маркетинг тадқиқотлари олинган ахборотлар орқали туристик корхонани бозор билан, истеъмолчилар, рақобатчилар ва унинг фаолиятига таъсир кўрсатувчи мухитнинг бошқа элементлари орсидаги ўзаро боғлиқлик ўрнатилади. Ҳар қандай маркетинг тадқиқоти олинган ахборотларга асосланган ҳолда, бошқарув қарорларни тўғри қабул қилишга қаратилган бўлади. Маркетинг тадқиқотларининг асосий мақсади маркетинг қарорларини қабул қилиш учун ахборот-аналитик базасини яратиш ва у билан боғлиқ бўлган ноаниқликни камайтиришдир.

Маркетинг тадқиқотларини ўтказиша маълумотларни тўплашнинг асосий усуларини миқдорий ва сифат жиҳатдан тавсифловчи кўрсаткичлар гурухларига ажратиш мумкин.

Маркетинг тадқиқотларининг энг муҳим босқичларидан бири бўлиб, тадқиқот режасини ишлаб чиқиши ҳисобланади. Бунда тадқиқот учун зарур бўлган маълумотлар ва ахборотларни тўплаш манбалари, услублари, қуроллари, танлов ўтказиши тартиботи ва режалари тузилади. Тадқиқот асосланадиган маълумотлар ва манбалардан бир неча маротаба тегишли соҳаларда фойдаланиш, уларни қайта ишлаш мумкин.

Маркетинг тадқиқотида қузатиш, эксперимент, сўров, гурухли баҳс энг қўп қўлланиладиган услублар ҳисобланади. Ҳар бир услуг тадқиқотнинг тегишли босқичларида самарали ахборот тўплаш, уни қайта ишлаш, техник воситаларидан самарали фойдаланиши назарда тутади. Қузатиш услуги воситасида истеъмолчиларнинг жорий даврда туризм бозоридаги муносабатлари, кўнилмаларини баҳолаш мумкин. Сўров услугида эса, аниқ бир истеъмолчининг «янги туристик хизматларга» бўлган қизиқишилари, уларга қўядиган талаб ва истакларни баҳолаш мумкин. Тажриба услугида эса, синов тарзида маълум бир туристик хизматларни кўрсатиш, истеъмолчилар ҳолатларини қузатиш мумкин. Тадқиқот режасини ишлаб чиқишида услубий жиҳатдан ўзаро боғлиқлик, аниқлик, тақрорланмаслик, даврий узлуксизлик таъминланиши лозим.

Тузилган режа мазмун жиҳатдан қуйидаги саволларга жавоб беришлари лозим [4]:

Қандай маълумотлар тўпланиши керак?

Маълумотларни ким тўплайди?

Ким ва нима хусусида изланиш олиб бориши лозим?

Маълумотларни тўплашда қандай услублар қўлланилади?

Маълумотлар қандай шаклда ва қандай муддатларда тақдим этилади?

Маълумотларни тўплаш қачон ва қаерда амалга оширилади.

Маълумотларни тўплаш учун қандай ҳаражатлар кўзда тутилади?

Ушбу саволларга жавоб топиш асосида тадқиқот режасининг изчилиги, мазмунан ва мантиқан боғлиқлиги таъминланади. Бу ўз навбатида тадқиқотнинг кейинги босқичларида содир бўлиши мумкин бўлган камчиликлар ва хатоликларнинг вужудга келиши ҳолатини камайтиради. Маълумотларни тўплаш босқичи тасдиқланган режа асосида амалга оширилиши билан бир қаторда техник воситалар ёрдамида уларни қайта ишлаш, тайнинли тартибга солиш вазифасини ҳам бажаради. Чунки, жамланадиган маълумотлар қаерда ва қачон амалга оширилишига, улардан самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга катта эътибор берилади.



**2-расм.** Маркетинг тадқиқотини ташкил этиш босқичлари\*

\*Муаллиф ишланмаси.

Маркетинг тадқиқотларининг йўналишлари, унинг мақсадлари асосида муважият услублар танланади, қўлланиладиган услублар истақдаги натижага эришиш йўлида бир-бирини тўлдириш, аниқлаш, хатоликларни ўз вақтида бартараф этиш учун хизмат қиласи. Тадқиқот қуроллари эса, хоҳ анкета, хоҳ техник воситалар тарзида бўлсин ахборотларни зудлик билан тўплаш, уларни қайта ишлаш, келгуси фаолиятда унумли фойдаланиш вазифасини бажаради.

Маркетинг тадқиқоти учун зарурий маълумотлар ва ахборотларни йиғиши жараёни бир-бирига боғлиқ бўлган воситалар, услублар, босқичлардан иборат. Маркетинг тадқиқоти муаммоси ва мақсадларини аниқлаш энг муҳим ва маъсуллиятли босқич ҳисобланади. Кўпгина ҳолларда тадқиқот мақсади уни вужудга келтирган муаммо билан бир хил деб қаралади. Аслида эса, мавжуд муаммони ҳал этиш мақсадга эришиш имконини беради, деб қаралиши лозим.

Муаммони аниқ белгилаш, бу тадқиқотни тўғри ташкил этиш учун муҳим аҳамият касб этади. Муаммонинг мантиқан тўғри, содда ва мақсад сари йўналтирилганлигига алоҳида эътибор бермоқ лозим. Акс ҳолда, нотўғри ифодаланган муаммо тадқиқотни мақсад сари йўналтирилмасликка, вазифаларни аниқ белгилай олмасликка, юқори ортиқча ҳаражатга олиб келади.

Ушбу муаммолар туркуми аниқ белгиланган, лекин уларни ҳал этиш тайинли кетма-кетликни ва келгуси интилишлар учун зарурий маълумотларни тўплаш заруратини яратади. Жумладан, илк ташкил этилган саёҳат йўналишлари

давридаёқ саёҳатчилар тўғрисида имкони борича кўпроқ маълумот олиш, уларнинг тилак ва истакларини ўрганиш зарур бўлади.

Тадқиқот режасини тузиш босқичида унда сафарбар қилинадиган услублар, тадқиқот қуроллари, танлов таркиби ва белгиси, мулоқотдаги жамоа билан боғланиш воситалари белгилаб олинади. Одатда, маркетинг тадқиқотини бошлашдан олдин уни ўтказиш услублари, воситалари хусусида чукур мулоҳаза юритиш ва қиёсий баҳолаш зарур бўлади.

Кузатиш – бирламчи ахборот олишда кўп қўлланиладиган услуб ҳисобланади. У мутахассисларнинг тегишли муаммо бўйича шахсий кузатишлари, баҳолашлари, умумлаштиришлари асосида амалга оширилади. Хусусан, саёҳат фирмаси иш бошлашидан аввал, бозорда фаолият юритаётган бошқа фирмалар иш фаолияти билан танишиши, саёҳатчилар фикрини ўрганиш лозим.

Сўров услуби тадқиқотда ўрганилаётган объектнинг моҳияти, интилиш ҳусусиятлари борасида кўпроқ маълумот тўплашда қўлланилади. Жумладан, саёҳат фирмасининг иштиёқмандлар гурухини аниқлаши борасидаги тадқиқотлари, уларнинг қизиқишилари, қадриятлари, мамнунликлари хусусида маълумотлар йиғиши ва умумлаштирилиши. Бошқача қилиб айтганда, фирма мижозларининг тегишли фаолияти хусусидаги фикрлари ва мулоҳазаларининг билиш мақсадида ташкил қилинадиган тадқиқотларда сўров услуби кўпроқ қўлланилади.

Эксперимент – тадқиқотларда муқобил деб белгиланган йўналишлар бўйича истакдаги амалий ҳолатни вужудга келтириш ва бу асосда самарали бўлган йўналишга таъсир этувчи омилларни аниқлашга асосланади. Жумладан, саёҳат фирмасининг узоқ йўналишлардаги саёҳатларда бир неча турли таомлар туркумини амалий ҳолатда синааб кўриш ва бунга саёҳатчиларнинг муносабатларини ўрганиш, саёҳатчиларнинг овқатланишлари учун индивидуал тайёр таомларни бевосита автобусда таклиф этиш ёки тегишли йўналишдаги тамаддихона ва ошхоналарда буюртма асосида овқатланишни уюштириш.

Эксперимент асосида уюштирилган тадқиқот бир мунча кўпроқ ҳаражатларни келтириб чиқарсада, истакдаги ёки синалаётган маркетинг тадбири хусусида тўлароқ ва реал натижа олиш имконини яратади. Шу жиҳатдан эксперимент маҳсулот сифатини техник жиҳатдан такомиллаштириш, реклама ва сотиш борасида айрим услублар ва тадбирларни синааб кўришда кўпроқ намоён бўлади.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, гуруҳли баҳс услуби тадқиқотда мураккаб ва долзарб мавзу бўйича етакчи мутахассисларнинг гуруҳ тарзидаги суҳбатини, мунозараларини ва бу асосда ишлаб чиқилган умумий таклифиларни ишлаб чиқишига таянади. Жумладан, саёҳат фирмасининг саёҳат турлари, йўналишлари бўйича турли тоифадаги мутахассисларнинг мунозараси, ушбу гуруҳга ёдгорликлар тарихи бўйича, транспорт турлари ва йўналишлари бўйича мутахассислар, меҳмонхона вакиллари, ҳисобчилар, маркетинг тадқиқотчиси ва бошқалар киритилиши мумкин. Одатда, ушбу гуруҳ 6-10 кишидан иборат

бўлиб, белгиланган мавзу муаммолари бўйича ҳар бир гурух вакилининг фикр ва мулоҳазаларини ўрганишга, инобатга олишга асосланади. Гурухли баҳс услубида ташкил этилган тадқиқотларнинг ёзма шаклдаги баёни, видеолента тасвири амалга оширилади ва қайта муҳокама қилинади.

Тадқиқот қуроллари сифатида эса анкета (сўров варақаси) техник жиҳозлар (магнитафон, видеокамера, компьютер дастурлари ва ҳк.) қўлланилади. Ушбу қуроллар қандай тадқиқот услугига мос келиши, самарали натижа бериши дастлаб белгилаб олинади. Бу эса тадқиқот қуроллари воситасида олинадиган натижанинг тезроқ, кам ҳаражатлар эвазига амалга оширилишига имкон яратади.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Дроздов А.В. Основы экологического туризма: учебное пособие / А.В.Дроздов. – М.: Гардарики, 2005 г.
2. Колобовский Е.Ю. Экологический туризм и экология туризма. – М.: Академия, 2011.
3. Кнышова Е.Н. Маркетинг: –М.: ФОРУМ: ИНФРА –М, 2006, - 282 с.
4. Морозов В.Ю. Основы маркетинга: Учебное пособие. – 5-е изд., испр. и доп. – М.: Изд. «Дашков и К°», 2006. – 148 с.

## INNOVATIVE TECHNOLOGIES FOR TEACHING ENGLISH TO PRESCHOOL CHILDREN IN AN INCLUSIVE EDUCATION ENVIRONMENT

Qurbanova Zilola Uralovna

University of Tashkent for applied sciences (UTAS)

**Abstract:** The integration of innovative technologies in teaching English to preschool children within an inclusive education environment has revolutionized traditional learning methods. This article explores the application of modern tools, techniques, and strategies to enhance language acquisition for young learners of diverse abilities. By focusing on interactive digital platforms, adaptive learning systems, and sensory-based approaches, educators can address the unique needs of every child, fostering a supportive and inclusive learning atmosphere. The findings emphasize the importance of teacher training, parental involvement, and the thoughtful implementation of technology to maximize its potential in early childhood education.

**Keywords:** inclusive education, preschool children, English language learning, innovative technologies, adaptive learning, early childhood education.

**Аннотация:** Интеграция инновационных технологий в обучение английскому языку детей дошкольного возраста в условиях инклюзивного образования революционизировала традиционные методы обучения. В данной статье рассматривается применение современных инструментов, методов и стратегий для улучшения усвоения языка у детей с разными возможностями. Акцент сделан на интерактивных цифровых платформах, адаптивных системах обучения и сенсорных подходах, что позволяет педагогам учитывать уникальные потребности каждого ребенка и создавать поддерживающую и инклюзивную образовательную среду. Результаты подчеркивают важность подготовки учителей, вовлечения родителей и продуманного внедрения технологий для максимального использования их потенциала в дошкольном образовании.

**Ключевые слова:** инклюзивное образование, дети дошкольного возраста, изучение английского языка, инновационные технологии, адаптивное обучение, дошкольное образование.

**Annotatsiya:** Inkluziv ta'lim muhiti sharoitida maktabgacha yoshdag'i bolalarga ingliz tilini o'rgatishda innovatsion texnologiyalarni qo'llash an'anaviy o'qitish usullarini tubdan o'zgartirdi. Ushbu maqolada turli imkoniyatlarga ega bo'lgan yosh o'quvchilarning til o'zlashtirishini rivojlantirish uchun zamonaviy vositalar, usullar

va strategiyalarni qo'llash o'rganilgan. Interaktiv raqamli platformalar, adaptiv o'qitish tizimlari va sezgirlikka asoslangan yondashuvlarga e'tibor qaratilgan bo'lib, pedagoglarga har bir bolaning o'ziga xos ehtiyojlarini qondirish imkonini beradi va qo'llab-quvvatlovchi hamda inklyuziv o'quv muhitini shakllantirishga yordam beradi. Natijalar o'qituvchilarni tayyorlash, ota-onalarning ishtiroki va texnologiyalarni o'yangan tarzda joriy etishning muhimligini ta'kidlaydi, bu esa erta bolalik ta'limida texnologiyalarning imkoniyatlarini maksimal darajada oshiradi.

**Kalit so'zlar:** inklyuziv ta'lif, maktabgacha yoshdag'i bolalar, ingliz tilini o'rganish, innovatsion texnologiyalar, adaptiv o'qitish, erta bolalik ta'lifi.

Inclusive education aims to provide equitable learning opportunities for all children, regardless of their abilities or backgrounds. Teaching English to preschoolers in such settings presents unique challenges and opportunities. Innovative technologies have emerged as powerful tools to bridge the gap between traditional teaching methods and the needs of diverse learners. This article examines how these technologies can enhance English language instruction in an inclusive environment.

The Role of Innovative Technologies in Inclusive Education. Innovative technologies play a critical role in addressing the diverse needs of preschool children. These technologies can:

- Personalize Learning Experiences:** Adaptive learning platforms, such as AI-driven apps, adjust the content and difficulty level to match each child's abilities and progress.
- Encourage Engagement:** Interactive tools like educational games, digital storytelling apps, and augmented reality (AR) experiences captivate children's attention, making learning fun and effective.
- Promote Accessibility:** Tools like text-to-speech, visual aids, and tactile interfaces help children with disabilities participate fully in learning activities.

**Key Technologies for Teaching English to Preschool Children.**

- Interactive Digital Platforms.** Platforms like ABCmouse and Lingokids offer age-appropriate lessons, songs, and games that make learning English enjoyable. These platforms often include features that support inclusive learning, such as voice recognition for pronunciation practice.
- Augmented and Virtual Reality.** AR and VR applications create immersive learning experiences. For example, children can explore virtual environments where they learn vocabulary by interacting with objects and characters.
- Sensory-Based Learning Tools.** Tools like touch-screen devices and sensory boards cater to children with sensory processing needs. Activities involving colors, sounds, and textures enhance vocabulary and comprehension.
- Speech and Language Apps.**

Applications like Speech Blubs and Articulation Station are designed to support children with speech delays or language difficulties, making them ideal for inclusive classrooms. Strategies for Effective Implementation.

**Teacher Training.** Educators must be trained to use technology effectively. Workshops and professional development programs can equip teachers with the skills needed to integrate these tools into their teaching practices.

**Parental Involvement.** Parents play a vital role in reinforcing language skills at home. Providing them with guidance on using technology-based tools ensures continuity in learning. **Monitoring and Feedback.** Regular assessments and feedback loops help track children's progress and identify areas that need additional support. Technology can facilitate this process by providing real-time analytics and reports. **Challenges and Solutions.** While innovative technologies offer significant benefits, challenges such as limited access to devices, insufficient training, and the risk of over-reliance on technology must be addressed. Solutions include ensuring equitable access to resources, fostering collaboration among stakeholders, and maintaining a balanced approach that combines technology with traditional methods.

**Conclusion.** Incorporating innovative technologies into the teaching of English to preschool children in inclusive education environments has the potential to transform learning experiences. By leveraging these tools, educators can create engaging, accessible, and effective lessons that cater to the diverse needs of young learners. The success of such initiatives, however, depends on thoughtful implementation, ongoing support, and a commitment to inclusivity.

## References

1. Bennett, S., Gardner, R., & Ralston, S. (2020). Sensory-based learning strategies for children with autism spectrum disorder.
2. Ertmer, P. A., & Ottenbreit-Leftwich, A. T. (2010). Teacher technology change: How knowledge, beliefs, and culture intersect.
3. Flewitt, R., Messer, D., & Kucirkova, N. (2015). New directions for early literacy in a digital age.
4. Johnson, M., Carter, P., & Yang, J. (2019). The impact of adaptive learning systems on early childhood education.

## ЭКОТУРИЗМ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҲАРАКАТЛАНТИРИШДА РЕКЛАМАНИНГ ЎРНИ

Юлдашева Умида Садуллаевна

Божхона қўмитасининг Божхона институти

“Иқтисодий ва ижтимоий фанлар”

кафедраси доценти, и.ф.н.

**Аннотация:** Ушбу мақолада экотуризм маҳсулотларини ҳаракатлантиришда рекламанинг ўрни асослаб берилган. Шунингдек, рекламанинг асосий вазифалари, шахсий сотиш жараёнида амалга ошириладиган асосий вазифалар ва бошқа масалалар кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Экотуризм маҳсулотлари, реклама, потенциал истеъмолчилар, экотуристик маҳсулотлар, ахборот компанияси, саёҳлик маҳсулотлари, эҳтиёжлар, телевизион реклама.

**Аннотация:** В данной статье обоснована роль рекламы в продвижении продуктов экотуризма. Также рассмотрены основные задачи рекламы, основные задачи личных продаж и другие вопросы.

**Ключевые слова:** Продукты экотуризма, реклама, потенциальные потребители, продукты экотуризма, информационная компания, туристические продукты, потребности, телевизионная реклама.

**Abstract:** This article substantiates the role of advertising in promoting ecotourism products. It also examines the main tasks of advertising, the main tasks performed in the process of personal selling, and other issues.

**Keywords:** Ecotourism products, advertising, potential consumers, ecotourism products, information company, tourism products, needs, television advertising.

Экотуристик маҳсулотларни илгари суришда потенциал истеъмолчиларга ва бошқа манфаатдор томонларга экотуристик маҳсулотлар ва хизматлар тўғрисида ахборот тарқатишнинг энг самарали усувларидан бўлган рекламалар мухим аҳамиятга эга.

Реклама ёрдамида реклама компанияси таклиф этилаётган туристик маҳсулотларга нисбатан қизиқиши уйғотиш, истеъмолчиларнинг хатти-

ҳаракатларини бошқариш, туристик маҳсулот ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиш, уни ўрганиш, саёҳлик маҳсулотларини харид қилишни мотивациялаш имкониятига эга бўлади.

Туризм маҳсулотларининг рекламаси туризм соҳасининг ўзига хос хусусиятларга эга. Туристик маҳсулотлар сайёҳларнинг ўзига хос эҳтиёжларини қондирадиган ва улар томонидан ҳақ тўланадиган хизматлар мажмуасидир. Туристик хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари сайёҳлик таклифларининг обьектларини акс эттирувчи тасвирий, кўргазмали воситалардан фойдаланиш заруратини сезиларли даражада оширади. Шу боисдан ҳам, сайёҳлик маҳсулотларини реклама қилишда сайёҳлик маҳсулотларини кўриш ва идрок этишни таъминлайдиган расомлик ва суратга олиш воситалари кенг қўлланилади.

Рекламанинг самарали ташкил этилиши сайёҳлик хизматлари бозорини ривожлантиришнинг стратегик ва тактик вазифаларини ҳал қилишга имкон беради. *Рекламанинг асосий вазифалари қутидағиларни киритиш мумкин:*

- ахборот - маълум бир ҳодиса, сайёҳлик компанияси, янги сайёҳлик маҳсулотлари ва ҳоказолар ҳақида хабардорлик, билимларни шакллантириш;
- огохлантириш - истеъмолчи компаниянинг обрў-эътибори ва таклифи ни қабул қилишга, харидорни сотиб олишни, туристик маҳсулотга бўлган муносабатни ўзгартиришни, сотиб олиш фикрини рағбатлантиришни ва бошқаларни тақозо этадиган имтиёзларни аста-секин, изчил шакллантириш;
- эслатма – истеъмолчилар хотирасида сайёҳлик маҳсулоти тўғрисидаги маълумотларни сақлаб қолиш, расмни тасдиқлаш, хабардорликни ва талабни сақлаш, уни қаердан олишингиз мумкинлигини эслатиш [1].

Туристик маҳсулотлар учун реклама воситаси сифатида телевидение, матбуот, китоб ишлаб чиқариш, радио, босма ишлаб чиқариш, интернет, аломатлар, стендлар, биллбоардлар, автомобилларда рекламалар ва бошқалар ишлатилиши мумкин.

Шубҳасиз, телевизион реклама томошабинларнинг кенг қисмини қамраб олиши мумкин. Энг кенг тарқалган рекламалар – эълонлар, қисқа муддатли эшиттиришлар ёки кўрсатувлар орасидаги рекламалар ҳисобланади. Эътиборни жалб қилишнинг юқори даражасига ахборотни эшитиш орқали қабул қилиш, шунингдек кишиларнинг ҳис-туйгуларига таъсири воситасида ҳам эришилади.

Телевидение рекламаси сайёхлик маҳсулотини тарғиб қилишнинг энг сермашаққат усулларидан ҳисобланади. Реклама хабари сифати, унинг мақсадли аудиторияга қаратилганлиги, шунингдек, рекламани жойлаштиришга ваколатли ёндошиш, яъни телевидение каналини танлаш, реклама вақтини белгилаш ва тарқатиш вақтини белгилаб қўйиш, телевизион реклама ва бошқалар [2].

Туризм маҳсулотлари рекламасининг энг кенг тарқалган воситаларидан бири матбуотда реклама қилишdir. Реклама маълумотларининг асосий ташувчилари газеталар, журналлар, каталоглар ҳисобланади. Матбуотдаги ахборот эълонлар шаклида ёки маълумотлар бериш тавсифидаги нашрлар кўринишида жойлаштирилиши мумкин. Эълонлар ёрдамида компания потенциал мижозларга бозорда мавжудлиги ва туризм маҳсулотларини таклиф этиши ҳақида маълумот бериш имконияти мавжуд. Мақолалар, ҳисботлар, шарҳлар кўринишида жойлаштирилган умумий тавсифлаш характеристига эга нашрлар сайёхлик маҳсулотларини илгари суриш, сайёхлик компаниясининг обрўсини яратиш, сақлаш ва ривожлантириш имконини беради.

Газета рекламасининг афзаллиги - минтақавий бозорга тезкор кириб бориш, маҳаллий аудиторияни кенг ёритиш, ахборотни тез ва кам харажатли янгилаш имконияти, истеъмолчилар томонидан маълумотларни тезкор олиш ва реклама йўналишларининг мавжудлиги сабабли тезкор қидириб топиш имкониятининг яратилишидир. Шу билан бирга, босмахона маҳсулотларининг сифатини ўзаро таққослаганда, газеталарга нисбатан журналлар устунроқ ҳисобланади.

Журналларнинг афзалликлари, шунингдек, юқори нуфузга, юқори даражадаги ихтисослашган бозор сегментларига эришиш имконияти ва ахборотлар айланнишининг узоқроқ жараёнига киради. Истеъмолчиларга ҳисбот бериш воситаси матбуотда, рекламали маълумот билан бир қаторда, реклама берувчига қизиқиш ҳақидаги маълумотни, аризаларни юбориш ва сотиб олиш бўйича хизматлар учун чегирмалар олиш имконини берувчи маҳсус купонлардан ҳам фойдаланилади. Матбуотда реклама воситаларини танлашда унинг мувофиқлиги ва мақсадли бозорга йўналтирилганлигини таъминлаш лозим. Матбуотдаги рекламанинг тақрорланувчанлиги ва тарқалиши сайёхлик соҳасидаги самарадорлиги юқори, энг яхши усуллардан бири ҳисобланади.

Хозирги кунда китоб маҳсулотларида жойлаштирилган рекламадан ҳам кенг фойдаланиляпти. Шу билан бирга, мақсадли аудиторияга эришиш ва

реклама самарадорлиги реклама ташувчининг реклама мазмунига қанчалик яқинлигига ҳам боғлиқ. Китоб маҳсулотлари сифатида географик ва туристик нашрларни кўриб чиқадиган бўлсак, мамлакат тарихи ҳақидаги китоблар, худудлар хариталари, туманлар, табиий худудлар тўғрисидаги китоблар, йўл-йўриклар ва бошқалар [3].

Радио рекламадан фойдаланиш туристик маҳсулотлар истеъмолчиларининг оммавийлигини таъминлаш имконини беради. Албатта, унинг асосий тингловчилари автомобиль ҳайдовчилари ҳисобланади. Радио рекламанинг энг кенг тарқалган шакллари маъruzachi томонидан ўқиладиган видео, эълон – маълумот, ҳар қандай сайёхлик тадбирлари, хусусан янги маршрутлар, сайёхлик маҳсулотлари, презентациялар, кўргазмалар ва бошқалар тўғрисидаги маълумотларни истеъмолчиларга етказишдаги муҳим воситадир, дейишимиз мумкин.

Потенциал истеъмолчиларга кўриш, ҳис қилиш орқали таъсир кўрсатишга мўлжалланган самарали реклама воситаси сифатида босма материаллардан, хусусан буклетлар, каталоглар, проспектлар, плакатлар, календарлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Буклетлар одатда реклама воситаси бўлиб, улар компания билан танишиш, шартномалар тузиш, сайёхлик маҳсулотларининг презентацияларида иштирок этиш, кўргазмаларда қатнашишда қўлланилади. Каталоглар ёрдамида компания потенциал ва ҳақиқий истеъмолчиларни ва бошқа манфаатдор томонларни таклиф этилаётган сайёхлик маҳсулотлари, саёҳатлар йўналишлари, экотурларнинг шартлари тўғрисида хабардор қиласи. Проспекторлар, қоида тариқасида, янги маршрутга эга маълум туристик маҳсулот ҳақида бўлиб, тавсия этилган хизматнинг батафсил тавсифини ўз ичига олади. Деворий рекламалар сайёхлик маҳсулотининг қўриниши, асосий хусусиятини акс эттириб, сайёхлик маҳсулоти тўғрисидаги тасаввурни шакллантиришга ёрдам беради. Фото суратларини жойлаштириш орқали туристик маҳсулотларнинг рекламаси катта форматли календарлар ёки кичик ўлчамдаги календарлар қўринишида ҳам бўлиши мумкин [3].

Мақсадли истеъмолчиларни эришиш имкониятини, маълум бир кишилар гурухи, хусусан доимий ёки потенциал истеъмолчиларга, бизнес шерикларга, алоқа қилишга тайёр бўлган бошқа манфаатдор томонларга қаратилган почта орқали реклама таъминлайди. Почта рекламасининг энг кенг тарқалган шаклларига мактублар, буклетлар, каталоглар, брошюралар, таклифномалар,

дастурлар мисол бўла олади.

Рекламамаълумотларини бевоситатарқатиштеги шлимижозлартўғрисидаги маълумотлар базаларини шакллантириш ва доимий янгиланишига асосланади. Почта жўнатмаларининг нисбатан кам харажат талаб қилиши, сайёҳлик маҳсулотларини реклама қилинишини таъминлайдиган босма материаллардан фойдаланиш имконияти почта орқали рекламанинг афзаликлари ҳисобланади.

Сайёҳлик маҳсулотларини реклама қилишнинг самарали воситаларидан бири - ташки рекламадир, у барча қизиқувчиларни, муайян ҳудудда яшовчи барча аҳолини кенг қамраб олиш имконини беради. Ташки реклама турлича ифодаланади. Улар рекламалар (биллбоардлар, постерлар, ёритилаган белгилар, электрон жадваллар, чизиқлар), савдо шахобчаларида рекламалар (белгилар, экранлар, компания белгилари,офисларнинг ички безаги, қабулхона, йиғилиш хоналари, маркали персонал кийимлари ва бошқалар), транспортда (транспорт воситалари ва кўргазма залларида реклама хабарлари) рекламалар кўринишида бўлиши мумкин. Ташки реклама воситаларидан фойдаланишдаги муҳим омил - унинг ҳудудий жойлашуви ва ахборот хабарининг таркибини шакллантиришdir.

Сайёҳлик маҳсулотини рағбатлантириш, сайёҳлик компаниясининг ижобий имиджини яратиш, жамоатчилик фикри кўргазма ва ярмаркалар фаолияти билан боғлиқ. Туризм кўргазмалари ва ярмаркалари бизга потенциал мижозларни, бошқа манфаатдор томонларни бозорда фаолият кўрсатадиган сайёҳлик компаниялари билан таништириш, туристик хизматларни тақдим этишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот бериш учун бозорга келтириладиган янги сайёҳлик маҳсулотлари тўғрисида маълумотлар олиш имконини беради. Бир томондан, кўргазмалар истеъмолчиларга ва бизнес шерикларига сайёҳлик таклифларининг катта қисмида ўз йўлларини топишга имкон беради, бошқа томондан, сайёҳлик операторлари сайёҳлик маҳсулотларини сотиш бўйича ҳамкорларни топишлари мумкин. Кўргазмалар турли даражаларда, хусусан ҳалқаро, миллий, минтақавий даражада бўлиши мумкин [2].

Бугунги кунда ички бозорларда ҳам кўргазмалар ташкил этилиши керак, улар саёҳат компаниялари ва уларнинг маҳсулотларини жамоатчиликка, бизнес шерикларига тақдим этиш, шартномалар тузиш, ташриф буюрувчилар ва журналистларнинг кенг доираси орқали маълумотларни тарқатиш ва иш тажрибасини баҳам кўриш учун кенг имкониятлар яратади. Кўргазмаларда

иштирок этиш туризм фирмалариға турли реклама воситаларидан фойдаланиш имконини беради.

Туристик маҳсулотни рағбатлантириш ва саёҳат компаниясиға мижозларни жалб қилишнинг энг кенг тарқалган ва самарали воситаларидан бири - онлайн рекламаси ҳисобланади. Интернет-реклама туристик компаниянинг Интернет-сайтини яратишнинг дастлабки босқичи ташкил қиласиди. Сайтнинг сифати унинг таркиби, ахборот мазмуни, сотиб олишни хоҳлайдиган матнли хабарларнинг мавжудлиги ва осонгина эслаб қолинадиган номи билан белгиланади. Мухим хусусияти эса - бу сайёҳлик компаниясининг сайтига кираётганларни кузатиб борувчи маҳсус ҳисоблагичларни яратишидир. Онлайн рекламанинг асосий шаклларига контекстли реклама, сайёҳлик маҳсулотларини қидирув тизимини тарғиб қилиш, контекст-баннерли реклама, ижтимоий тармоқлардаги рекламалар киради. Комплекс таркибда юқоридаги воситалардан фойдаланганда онлайн реклама самарадорлиги ортади [1].

